
ҚУВАСОЙ ШАҲРИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

Шаҳарда саноат корхоналарининг таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2019 йил (январь-июнь ойларида) 506,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 108,1 фоизни ташкил этди.

Халқ истеъмол товарлари 153,0 млрд. сўмга бажарилиб, ўсиш суръати 107,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 324,1 млрд. сўмга етиб, ўсиш суръати 113,3 фоизни, пудрат ишлари 164,8 млрд. сўмлик бажарилиб, ўсиш суръати 126,5 фоизни, жами хизматлар 76,5 млрд. сўмга бажарилиб, ўсиш суръати 103,2 фоизни, чакана савдо 142,0 млрд. сўмлик бажарилиб, ўсиш суръати 102,7 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари экспорт ҳажми 7 334,2 минг АҚШ долларини ташкил этиб, импорт 21 905,3 минг АҚШ доллари миқдорида бажрилди.

2019-08-13 17:54:11